


# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 3 февраль, № 24 (5191) Пайшанба


# ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ

## импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда

***Мустақиллик йилларида бошқа ҳудудлар қатори Андижон шаҳрида ҳам мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи кўплаб саноат корхоналари барпо қилинди. Мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан янгиланди. Бу эса, ўз навбатида, импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.***



### Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Масалан, илгари Асакадаги автомобиль заводига зарур бўлган бўёқлар четдан келтириларди. Андижон шаҳрида “Ўз Донг Жу Пэинт Ко” қўшма корхонаси фойдаланишга топширилгач, нафақат ушбу муаммога ечим топилди, балки кўплаб маҳаллий ёшлар муқим даромад манбаига ҳам эга бўлдилар.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган бўёқлар сифат борасида ISO-9001-2008, экологик тозалиги юзасидан ISO-14001-2004, аҳоли саломатлигини сақлаш ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича OHSAS-18001-2007 халқаро сертификатларини қўлга киритгани, айниқса, эътиборга молик.

— Корхонамиз қуввати йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейди автомобиллар бўёғи ишлаб чиқариш цехи менежери Исмоилжон Комилов. — Айтайлик, дастлабки пайтларда 1,5 тоннага яқин автобўёқ тайёрлаган бўлсак, 2009 йилда бу кўрсаткич 5690, ўтган йили эса 6380 тоннани ташкил этди. Жорий йилда 7047 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Буларнинг бари заводимизда модернизациялаш ва техник жиҳатдан янгилаш ишлари изчил олиб борилаётгани самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

***Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигининг таркибий қисми бўлиб, одамлар ҳаётини қутқариб қолишга ҳамда соғлиғини сақлашга, атроф-муҳитга етказилган зарарни ва моддий талафотларни камайтиришга қаратилган.***

# ИНСОН ҲАЁТИ ВА САЛОМАТЛИГИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

### Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан 2011 йил 2 февраль куни Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани ҳокимлигида «Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари» мавзуида ташкил этилган семинарда шу ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Семинар иштирокчилари қайд этиб ўтганларидек, шахснинг, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун давлат ҳокимияти органлари, корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаро ҳимояси соҳасидаги фаолиятини тартибга соладиган, инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва соғлиғининг устуворлиги тамойилини қарор топтирадиган қонунчилик базаси амал қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йиллар мобайнида аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан яратилган фавқулодда вазиятларда огоҳлантириш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг (ФВДТ) кучлари ҳамда воситалари томонидан амалга оширилаётир.

ФВДТ функционал ва ҳудудий кичик тизимларининг аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ишлари «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги, «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорларига мувофиқ олиб борилмоқда.

2010 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг тегишли участкаларида қирғоқни мустаҳкамлаш, кўтарма тиклаш ва бошқа муҳофаза ишлари олиб борилди: 2679 минг куб метр тупроқ ишлари, 90119 куб метр тош ишлари, 14634 куб метр бетон ишлари бажарилди, 1680 километрлик магистрал каналлар тозаланди. Бундан ташқари, мамлакатда аҳолини хавфли геологик ва гидрометеорологик ҳодисалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш учун 2010 йилда хавфли жойлардаги 158 та хўжаликдан 917 нафар одам эвакуация қилинди, шу жумладан, 72 та хўжаликдан 395 нафар одам ичимлик суви, энергия ва газ, тиббий хизмат, алоқа, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар ва бошқалар билан таъминланган обод посёлкаларга доимий яшаш учун кўчирилди.

Таъкидланганидек, семинарни ўтказиш жойининг танланиши бежиз эмас. Тоғли ерда жойлашган Бўстонлиқ туманида мамлакатимиз табиий-иқлим шароитининг ўзига хос хусусияти ойнада акс этгандек кўринади. Туман ҳудудида юқори сейсмиклик, сел келиши ва тоғ кўчиши каби хавфли ҳодисаларнинг кучайиши реаллиги аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида биринчи навбатда бажарилиши керак бўладиган ишларни белгилайди. Туманда хавфли геологик ва гидрометеорологик ҳодисалар билан боғлиқ хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан зарур ишлар бажарилмоқда. Шунингдек, табиий

(Давоми 2-бетда).

### Мўл ҳосил пойдевори

**Сиртдан қараганда, қиш фасли деҳқон учун тин олиш, ҳордиқ чиқариш мавсумидек туюлади. Аслида, ундай эмас. Азалдан деҳқонлар кузда ҳосилни йиғиштириб олишлари биланоқ, келгуси йил тараддудини кўра бошлайдилар. Қиш чилласи даврида ерларни яхоб сувига қондириш, ер малҳами ҳисобланган маҳаллий ўғитни ғамлаш, чиритиш ва ирригация-мелиорация тадбирларини сифатли қилиб амалга ошириш билан машғул бўлишади.**

# ФИДОЙИ МЕҲНАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Айниқса, сув тақчиллиги кутилаётган йилларда мелиоратив тадбирларни сифатли бажариш, ирригация шохобчалари ва сув йўлларини равонлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Жорий йилда ҳам ёғингарчиликнинг нисбатан кам бўлиши оқибатида сув танқислиги юзага келиши эҳтимоли йўқ эмас. Унинг олдини олиш, бебаҳо неъматнинг ҳар қатрасидан унумли фойдаланиш мақсадида деҳқон ва фермерлар билан бамаслаҳат меҳнат қилаяпмиз. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, бундай ҳолатларда экин майдонларига кўпроқ маҳаллий ўғит чиқариш яхши самара беради. Чунки экин бу усулда озиқлантирилганда, ернинг табиий намлиги узоқ сақланиб, сувга бўлган талаби камаяди. Ўтган йили ғаллазорларига “шарбат” оқизган фермер хўжаликларида экин бир марта кам суғорилиб, гектаридан 1000-1500 куб метр сув иқтисод қилингани бунга мисол бўла олади. Шу боис бугун ҳамма далада. Бизнинг жамоамиз вакиллари ҳам ҳар гектар ғалла майдони учун камида 10 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариш, керакли миқдорда компост тайёрлаш ишларида уларга яқиндан кўмак беришаяпти.

Шу билан бирга, қишки тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ирригация-мелиорация объектларини реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини бажаришга 4 та ихтисослаштирилган давлат унитар корхонаси масъул. Бу жамоалар Президентимизнинг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида иш олиб боришаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Маълумки, Фарғона водийсининг сув таъминотида “Катта Фарғона канали” муҳим роль ўйнайди. Хусусан, вилоятимиздаги салкам 111 минг гектар майдонга халқимиз “Кумуш камар” дея эъзозлайдиган мазкур йирик сув иншооти обиҳаёт етказиб беради. Шунинг учун канални таъмирлаш ишлари доимо диққат-эътиборимизда турибди. 5 та бульдозердан унумли фойдаланиб, ҳозирги кунгача каналнинг 10 километрлик ўзан ва қирғоқлари таъмирланди, 400 га яқин гидроиншоотлар тозаланиб, баҳорги мавсумга шай қилиб қўйилди. 350 нафар ҳашарчи кўмагида эса 2865 куб метр ҳажмдаги тупроқ ишлари бажарилди.

Таъкидлаш керакки, Марказий Фарғона чўлида суғориш тизими бирмунча мураккаб. Бу инобатга олиниб, қишки тадбирлар ўз вақтида бажарилмоқда. Масалан, жорий мавсум бошидан буён 2 километр масофага янги коллектор тармоқлари тортилди. 40 километр масофадаги ёпиқ-

(Давоми 2-бетда).

# «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»

## муваффақиятларимизнинг мустаҳкам пойдевори

***Халқимизда “Бойликнинг боши — соғлиқ” деган нақл бор. Бу мамлакатимизда мустақиллик йилларида олиб борилаётган сиёсатнинг туб замирига сингдирилган, десак, муболаға бўлмайди. Зеро, ҳар томонлама соғлом халқ давлатимизнинг куч-қудрати, бебаҳо бойлигидир.***

### Муносабат

Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маърузасини тинглаб, кўнглимдан худди шундай мулоҳаза ўтди.

Давлатимиз раҳбари томонидан соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва ушбу тизимда сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлашга доир келтирилган ҳар бир рақам тагзаминида не-не заҳматли меҳнат, миллат учун, халқ учун юксак ғамхўрлик ётганини англаб олиш қийин эмас. Биргина она ва бола саломатлигини ҳимоялаш бўйича бажарилаётган ишларга эътибор беринг: скрининг ва перинатал марказлари ташкил этилиб, улар энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланаётгани самарасида ўтган ўн йил давомида мамлакатимизда оналар ўлими ҳар минг киши учун 33,1 нафардан 19,7 нафарга, болалар нобуд бўлиши эса 18,9 нафардан 10,1 нафарга тушди. Туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайди.

Дунёда экологик вазият тобора ёмонлашаётган, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган, шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мураккаб шароитни келтириб чиқараётган бир пайтда бундай натижага эришиш, албатта, ҳар биримизни қувонтиради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон бу борада халқаро ҳамжамият томонидан белгиланган марраларга тўла-тўкис эришаётир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2000 йилда бўлиб ўтган саммитида дунё миқёсида глобал муаммоларга барҳам бериш мақсадида саккизта йўналишни қамраб олган Мингйиллик ривожланиш мақсадлари дастури қабул қилинди. Унда қашшоқлик, оналар ва болалар ўлимини 2015 йилга қадар кескин камайтириш кўзда тутилган. Жумладан, болалар ўлимини учдан икки баробарга қисқартириш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ





**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

## Бунёдкорларга қулайлик

***ХОРАЗМ. Қўшкўпир туманининг Ўзбекёп қишлоғида ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Амирқум” хусусий корхонаси фаолияти йўлга қўйилди.***

Бу мақсад учун тадбиркор Умид Отабоев банк кредити ва ўз жамғармасидан 60 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлаб, қишлоқ ёшларидан 18 нафарини ишга жалб қилди. Натижада бу ерда йилига 2 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш ва пировардида тумандаги қурилиш ташкилотлари ҳамда якка тартибдаги уй-жой қурувчиларни сифатли деворбоп материаллар билан таъминлаш имконияти юзага келди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Ҳалқ сўзи» мухбири.**

## Лойиҳадан – амалиётга

***САМАРҚАНД шаҳридаги “Ор Голден Ойл” масъулияти чекланган жамиятида техник чигитни қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилди.***

Бунинг учун 520 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига хориждан замонавий технологик жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозир 50 та қўшимча иш ўрни яратилган корхонада йилига 365 минг тонна чигитни қайта ишлаш имконияти юзага келди.

Эътиборлиси, Самарқанд шаҳрида якунланган йилнинг тўртинчи чорагида ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган тўртта лойиҳа рўёбга чиқарилди. Ушбу мақсадлар учун 8 миллион 178,2 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

**С. АБДУРАСУЛОВ.**

## Тоғ бағрида янги боғлар

**НАВОИЙ.** Нурота туманидаги “Жиянбой”, “Семурғ”, “Коризча”, “Устохўжа”, “Ҳамкор”, “Меҳнатобод” фермер хўжаликлари жамоаси томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланган ҳолда тоғолди ва тоғ ёнбағирларидаги 30 гектар майдонда мевали боғлар яратишди.

Ушбу хайрли ишни амалга ошириш учун 298 миллион сўм сарфланди. Хусусан, янги боғларни суғориш учун 56 километрлик полиэтилен қувурлар тортилди. Ер ости сув насослари қазилиб, ишга туширилди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Ҳалқ сўзи» мухбири.**

## Сифатли деворбоп материаллар

**СИРДАРЁ.** Сайхунобод туманидаги “Жамшид эҳсон сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдували Жўраев банкдан олган 20 миллион сўмлик кредити эвазига шлакоблок ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Эндиликда корхонада замонавий технологиялар ёрдамида йилига 40 минг донагача сифатли деворбоп материаллар тайёрланади.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Ҳалқ сўзи» мухбири.**

## Иссиқхонанинг илк ҳосили

***ҚАШҚАДАРЁ. Қарши туманидаги “Йўлдош ота” хусусий корхонаси раҳбари Ёқуб Йўлдошев саъй-ҳаракати билан 40 сотих майдонда иссиқхона ташкил этилди.***

Ушбу лойиҳани амалга оширишда банкнинг 40 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди. Натижада 10 киши иш билан таъминланди ва иссиқхонадан дастлабки бир тоннадан ортиқ бодринг йиғиштириб олинди.

Эътиборлиси, томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланаётган жамоа жорий мавсумда аҳоли дастурхонига 100 тоннага яқин нознеъмат етказиб беришни режалаштирмоқда.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Ҳалқ сўзи» мухбири.**

# «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»

## муваффақиятларимизнинг мустаҳкам пойдевори

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимизда ана шу мақсадга эришиш учун тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида ялпи ислоҳотлар, таркибий ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баравар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёдроқ кўпайди. Бугунги кунда давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Айни пайтда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 82,5, табиий газ билан таъминлаш 83,5 фоизга етди, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, ўта оғир юқумли касалликларга барҳам бериш ҳамда уларни камайтириш борасида қатъий чоралар кўрилди. Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамият қабул қилган дастур параметрларини босқичма-босқич қўлга киритиш имконини берди. Ушбу даврда, яъни қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди. Энг муҳими, бу ютуқларимизни нуфузли халқаро ташкилотлар, экспертлар баралла эътироф этишаётир. Яқинда интернетда бир маълумот пайдо бўлди. Унда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ижроси дунё харитасида акс эттирилган. Дастур ижроси қарийб рўёбга чиқарилган саноқли давлатлар қаторида Ўзбекистоннинг ҳам борлиги, айниқса, қувонарлидир.

Яна бир мисол. Яқинда парламент делегацияси таркибида Япония давлатида бўлиб, Кунчиқар мамлакат қонун чиқарувчи органи фаолияти, айни пайтда у ерда амалга оширилаётган ишлар, ислоҳотлар билан яқиндан танишдик. Ўзаро мулоқотларимиз чоғида Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр алмашдик. Япония парламенти аъзолари, айниқса, мамлакатимизда аҳоли саводхонлиги даражаси қарийб 100 фоиз, ўртача умр кўриш ёши эса 73 йил эканлигини билишгач, эҳтиросларини яшириб ўтиришмади. Негаки, Япония бу борада дунёнинг энг олдинги ўринларида турса-да, ушбу натижаларга эришиш учун япон халқи ярим аср мобайнида жуда катта саъй-ҳаракату сармояларни йўналтирган. Япониялик ҳамкасбларимиз “Ўзбекистон бунга ўз мустақил тараққиётининг нисбатан қисқа даврида эришгани жуда катта воқеадир. Шу боис у ўрганиш, таҳлил қилиш учун муносиб модель” эканлигини такрор ва такрор қайд этишди.

Дарҳақиқат, ўз вақтида ишлаб чиқилган тараққиёт моделимизнинг нақадар тўғри эканини ва амалда ўзини тўла оқлаганини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Президентимиз йил якунларига бағишланган мажлисда таъкидлаганидек, ютуқлардан, мақтовлардан ҳаволаниб кетмасдан, олдимизда турган устувор вазифаларнинг, мақсадли дастурларнинг ижросидаги изчилликни таъминлаш, Ватанимизнинг бундан-да тараққий этиши ҳамда халқимиз фаровонлигини юксалтириш каби пировард мақсадларимизни амалга оширишда масъулиятли, фаол, ташаббускор бўлишимиз айни заруратдир. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳам ўз иш режаларини яна бир бор таҳлил қилиб, давлатимиз раҳбари урғу берган масалаларга эътиборни кучайтиришни мақсад қилиб олди.

Қўмитамиз томонидан жорий йилда бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланаяпти. Жумладан, Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси билан биргаликда “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, соғлиқни сақлаш, экология соҳасидаги Давлат дастурлари ижросини Сурхондарё, Тошкент вилоятларида назорат-таҳлил тартибида ўрганиб, вилоят фаоллари билан муҳокама қилиш белгиланди. Қолаверса, 2011 йилда экологик ва соғлиқни сақлаш масалаларида жамоат ташкилотлари фаоллигини ошириш масаласи ҳам қўмитамиз диққат-марказида турибди. Ушбу тадбирларни амалга оширишда, албатта, Юртбошимиз маърузасида билдирилган таклиф ва кўрсатмаларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг 2011 йилга мўлжалланган дастурий вазифаларини амалга ошириш, аввало, ҳар биримиз ўз ишимизни қандай ташкил этишимиз, олдимизга қўйган улкан мақсадларга эришиш учун куч ва имкониятларимизни, билим ҳамда тажрибамизни нечоғли самарали сафарбар эта олишимизга боғлиқдир. Зеро, шундагина Ватанимизнинг ривожланган давлатлар қаторида туришига, шунингдек, халқимиз учун янада фаровон турмуш шароитларини яратишга муваффақ бўламиз.

**Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

# ФИДОЙИ МЕҲНАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ётиқ зовурлар қайта тикланди. Ташлама зовурлардаги сувлардан фойдаланиш учун 4 та янги насос станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ёз ойларидаги сув танқислигини бартараф этиш учун 114 та артезиан қудуғи таъмирдан чиқарилиб, вегетация даври учун ҳозирлаб қўйилди.

Қисқача айтганда, фарғоналик мироблар, ирригатор ва мелиораторлар бебаҳо бойлигимиз бўлган сувни фермер хўжаликларига узлуксиз етказиб бериш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Буларнинг бари ризқ-рўзимиз манбаи — ғалланинг мўл-кўл бўлишига хизмат қилади, албатта.

**Аъзамжон РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутати, «Сирдарё-Сўх» ирригация ҳавза бошқармаси бошлиғи.**

*Мамлакатимиз мустақилликнинг илк даврида қўшилган халқаро ҳужжатлардан бири, бу — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактидир. Унда белгиланган умуминсоний тамойиллар истиқлол йилларида қабул қилинган қонун ҳужжатларида, манзилли дастурларда ўз ифодасини топди.*

# ФУҚАРО ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Мамлакатимиз ушбу ҳужжатнинг ижроси борасида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасига мунтазам даврий маъруза тақдим этиб келади. Яқинда қўмита Ўзбекистон томонидан тақдим этилган учинчи даврий маърузани муҳокама қилди. Унда юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар юқори баҳоланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси мазкур маъруза муҳокамаси натижаларини парламент аъзоларига таништириш ҳамда бу соҳада тегишли вазирлик, идоралар томонидан амалга оширилаётган ишлар бўйича парламент эшитувини ташкил этди.

Тадбирда қайд этилганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда рўёбга чиқарилган кенг миқёсли ислоҳотлар замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг манфаатларини таъминлаш каби эзгу мақсад ва ниятлар мужассам. Бу борада тегишли ҳуқуқий-ташкилий кафолатлар юртимиз Конституцияси асосида мустаҳкамланди. Ўлим жазосининг бекор қилингани, қамоққа олишга санкция беришнинг судларга ўтказилиши натижасида “Хабеас корпус” институти жорий этилиши, парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ваколатлари кенгайтирилгани, айблов ва ҳимоя тенглигининг қонуний мустаҳкамлаб қўйилгани шулар жумласидандир. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан алоҳида эътироф этилди. Энг муҳими, Президентимиз раҳнамолигида рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларнинг бугунги босқичида ҳам бу борадаги чора-тадбирлар изчил бажарилаяпти. Масалан, “Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисида”ги, “Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги конвенциялар ратификация қилинди. Одам савдосининг олдини олиш бўйича миллий ҳаракат дастури рўёбга чиқарилаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлигини амалда намоён этади.

— Эътироф этиш керак, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига асосланган миллий ҳуқуқий тизим яратилди, — дейди Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоси А. Юнусова. — Айни пайтда Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шани, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши қатъий белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, 2009 йилда бир қатор қонун ҳужжатларига, жумладан, Жиноят-процессуал кодекси ва Жиноят ижроия кодексига киритилган ўзгартишларга кўра, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш, маҳбуслар билан холи учрашиш ҳамда суҳбатлашиш ҳуқуқи берилди. Бу ҳам, ўз навбатида, юртимизда инсон ҳуқуқлари юксак даражада қадр топаётганини кўрсатади.

Парламент эшитувида Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт ижроси бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан муайян ишлар бажарилаётгани таъкидланди. Айни пайтда қўмита аъзолари томонидан бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид амалдаги қонунлар ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган парламент эшитувида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ИНСОН ҲАЁТИ ВА САЛОМАТЛИГИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳодисалар кучаядиган даврда хавфли зоналарга одамлар ва транспортни киритмаслик мақсадида техник ва алоқа воситалари билан жиҳозланган махсус постлар ўрнатилмоқда. Шунга ўхшаш ишлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бажарилаяпти.

Масалани муҳокама қилиш асносида семинар иштирокчилари иш юзасидан тажриба алмашдилар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган аҳолини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги вазифаларни амалга оширишга қаратилган бир қатор таклифларни билдирдилар.

Шунингдек, хавфли геологик ва гидрометеорологик ҳодисалар ривожланадиган зоналарни доимо мониторинг қилиб бориш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этишнинг шакл ва услублари сифатини яхшилашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Шу билан бир қаторда, фавқулодда вазиятларда огоҳлантириш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг мавжуд куч ҳамда воситаларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, зарур моддий-техник воситалар захираси яратилишини таъминлаш, энг қалтис участка ва объектларда тактик-махсус машқлар ўтказиш, аҳолига, шу жумладан, ўқувчи-ёшларга фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш асосларини ўргатиш самарадорлигини ошириш, бу ишга тажрибали мутахассислар, педагогларни жалб этиш таклиф қилинди.

Семинар ишида сенаторлар, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашларининг депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат бирлашмалари вакиллари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари, Бўстонлиқ тумани қишлоқ фуқаролар йиғинларининг раислари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА)**

# ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ

## импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Корхонада, шунингдек, бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда, саноат ва қурилиш бўёқлари тайёрлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Чунончи, ўтган йили 3836 тонна лок-бўёқ харидорларга сотилиб, 199,2 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспортга чиқарилди.

Албатта, қўшимча имконият ва шароитлар ҳар қандай жамоани янгиликка ундаши турган гап. Корхона жамоасининг шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратаётгани боис, ўтган йилнинг ўзида яна 6 хил ранг-кўринишига ўзгача чирой бағишловчи минерал сувоқ эса Булоқбоши туманида ташкил этилган янги цехда тайёрланмоқда. Мазкур цех йилига 200 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, ҳозиргача 13 тоннаси буюртмачиларга етказилди.

Жамоа жорий йилни ҳам ўзига хос янгиликлар билан бошлади. Мисол учун, шу кунларда сувли бўёқ ва республикамизда биринчи бўлиб рангли лок ишлаб чиқарилаётган бўлса, антифриз, автомобиль ойналарини ювувчи суюқ восита, термостат, ёнғиндан ҳимояланиш бўёқлари тайёрлаш




даги бўёқ лаборатория синовларидан муваффақиятли ўтди.

Бундан ташқари, саноат корхоналаридаги бетон қопламаларининг механик, кимёвий ва физик мустаҳкамлигини оширувчи “Concrete Hard” маҳсулотини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Биноларнинг ташқи бўйича лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишга тараддуд кўрилмоқда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** корхона фаолиятидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

*Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида маҳалланинг нуфузи ва мақоми юксалиб, у ҳаётимизда ҳал қилувчи кучга айланиб бораётир. Ўзига хос ноёб институт саналган бу тизимнинг, айниқса, жамиятимизда бағрикенглик, меҳр-оқибатлилик, тотувлик тамойилларини мустаҳкамлашдаги ўрни бениҳоя катта. Эътиборлиси, маҳалла давлатимиз томонидан юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатга камарбаста бўлмоқда.*

**Маҳалла**

Бугунги кунда қай бир маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинига борманг, ногирон, якка-ёлғиз, ўзгалар қаровига муҳтож кишилар, эҳтиёжманд оилалар ғамхўрлик оғушида эканига ишонч ҳосил қиласиз. Қўни-қўшни, маҳалладошларнинг бундай фуқаролар аҳволидан хабар олиб, уларга меҳр-мурувват кўрсатишлари, кўнгил сўрашлари анъанага айланиб қолган. Биз, маҳалла фаоллари халқимизга хос ана шу эзгу удумларни мустаҳкамлаш, унинг давомийлигини таъминлаш тадбирларини кўраяпмиз.

Табиийки, жамғармамиз ҳам бу хайрли ишлардан четда қолаётгани йўқ. Масалан, ўтган йил давомида “Маҳалла муруввати” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган 33 миллион сўмлик маҳсулотлар мақсадли равишда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига тарқатилди. Турли саналар муносабати билан жамғарма вилоят бўлими, унинг шаҳар ва туман бўлинмалари томонидан 239 та оилага 32,9 миллион сўмликдан зиёд, ҳомийлар маблағлари ҳисобидан эса 16,3 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди.

Фаолларимиз ижтимоий ҳимоянинг турли усулларидан фойдаланишаяпти. Умумхалқ хайрия ҳашарини олиб кўрайлик. Бу тадбир ҳам фуқаролар, маҳалладошлар ўртасида меҳр-оқибатни мустаҳкамловчи воситага айланди. Масалан, 2010 йилда ўтказилган шундай тадбирлар натижасида қарийб 400 нафарга яқин эҳтиёжманд фуқаронинг уй-жойлари таъмирланди. Бу юмушларга ҳомийларнинг 35 миллион сўмдан зиёд маблағи сарфланди.

Бундай эзгу тадбирларнинг ёш авлод тарбиясида ҳам алоҳида ўрни бор. Негаки, ўз ота-оналари, ёру биродарларининг эҳтиёжманд оилага ёрдам қўлини чўзганини кўрган ёшлар улардан ибрат олишга интилишади.

Дарвоқе, биз ўтган йили ҳам “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватладик. Бу борада муайян тажриба тўпланди. Шу ўринда бир неча мисол. Жондор туманидаги “Ойтуғди” маҳалла фуқаролар йиғини Жўйсафед қишлоғида яшовчи, 26-мактабнинг уйда ўқишга жалб этилган ўқувчиси Ғуломжон Жумаевга жамғармамиз томонидан компьютер жамланмаси олиб берилди. Улар “ZiyoNET” порталига уланди. Жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда 131 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйлари ўтказилди. Шу мақсадлар учун 116 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шунингдек, қорамол боқиш имконияти бор ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳам анъана тусини олаяпти. Дейлик, Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги муносабати билан ўтказилган ҳашардан тушган маблағлар ҳисобидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга бир бошдан бепул қорамол олиб берилди.

Биз юқорида маҳалла институти фаолиятининг фақат бир йўналиши ҳақида сўз юритдик, холос. Аслида тизимнинг аҳоли тинчлик-осойишталигини сақлаш, оила пойдеворини мустаҳкамлаш, ёшлар таълим-тарбияси, ободончилик каби турли долзарб масалалардаги ўрни, аҳамияти тобора ошиб бораяпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бундай ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Бу эса маҳалла нуфузининг ошишига, унинг жамиятимиздаги мавқеи янада мустаҳкамланишига олиб келади.

**Беҳбуд ЖУМАЕВ,**
**«Маҳалла» жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси.**

# Қишлоқда замонавий корхона

*Тошкент вилоятида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналар сони яна биттага кўпайди.*

Юқори Чирчиқ туманида деворбоп ва шифтбоп қопламалар ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ишга туширилди. Барча замонавий технологик линиялар ҳамкор давлатдан келтирилди. Йилига 4 миллион квадрат метр маҳсулот тайёрлаш қувватига эга ушбу корхонада 35 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, биргина ўтган йилда вилоятда 172 та замонавий ишлаб чиқариш корхонаси бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

# ЭКСПОРТ БОЗОРИ

## мамлакатнинг иқтисодий қувватини мустаҳкамлабгина қолмай, балки дунёдаги обрў-эътиборини ҳам оширади

**Қарор ва ижро**

Бугунги кунда “Фарғонаазот” очиқ акциядорлик жамиятини Венгрия, Литва, Малайзия, Жанубий Корея сингари жаҳоннинг 20 га яқин мамлакатида яхши билишади. Чунки бу корхонада ишлаб чиқарилаётган ноёб кимё маҳсулотлари уларга мунтазам равишда етказиб берилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг валюта жамғармаси йилдан-йилга салмоқли бўлишини таъминлаётир.

Эътиборлиси, Фарғона вилоятида фаолият юритаётган 90 дан зиёд корхоналар ўз маҳсулотларини кўплаб хорижий давлатларга экспорт қилаётгани қувонарлидир. Биргина 2010 йилнинг ўзида чет эллик буюртмачилардан вилоят ғазнасига 200 миллион доллардан ортиқ валюта келиб тушдики, бу, албатта, юртимизда босқичма-босқич солиқ қонунчилигининг такомиллашиб бораётганлиги, экспортчи корхоналарда замонавий услуб ва механизмларнинг жорий этилаётганлиги самарасидир.

Маълумки, мазкур соҳа бундан 10 йил аввал Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан сўнг тез ривожлана бошлади. Чунки ушбу ҳужжатда ўзаро манфаатли шартлар асосида ҳамкорликни йўлга қўйган маҳаллий корхоналар учун бир қатор имтиёзлар бериш кўзда тутилган эди. Шунга кўра, биринчи галда, бундай корхоналар учун солиқ имтиёзлари борасида яхлит ва ишончли тизим яратилди. Ҳозирги кунда вилоятдаги 9 та корхона экспортга чиқарган маҳсулотларига тегишли валюта харажатлари ҳажмида имтиёзлардан фойдаланаяпти. Фақат якунланган йилда ички бозорда эркин муомаладаги валютага хом ашё сотиб олиш ҳисобидан улар 55 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда кўрди. Бундан ташқари, 44 та хўжалик субъекти яратилган имтиёзлар туфайли чегириб қолинган 65 миллион долларнинг 50 фоизли қийматининг мажбурий сотувини амалга оширишга эришган бўлса, 49 та хўжалик субъектига эса 14,5 миллион доллар миқдоридаги маблағ чегириб қолиниб, эркин сотишга рухсат этилди.

Афсуски, айрим хўжалик юритувчи субъектлар ана шу имтиёзлардан фойдаланмай, ноқонуний ишларга ҳам қўл уришаётгани ачинарлидир. Гап шундаки, вилоят солиқ бошқармаси томонидан, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши тасдиқлаган режага биноан, 25 та хўжалик субъектида экспорт-импорт операцияларининг қонунийлиги текшириб кўрилганда, уларда 24 тасида тегишли қонунлар қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Натижада 13 та хўжалик субъектининг 25 нафар мансабдор шахсига маъмурий жазо қўлланилган бўлса, 5 нафар мансабдор шахс устидан жиноий иш қўзғатилди. Вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бошқармаси томонидан эса, 4 та хўжалик субъектида суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, назорат текшируви натижаларига мувофиқ, 10 та хўжалик субъектига 42 миллион сўмдан зиёд қўшимча қиймат солиғи ва 132 миллион сўм даромад солиғи солинди. Республика Марказий банкининг валюта фондига мажбурий сотувни амалга оширмаган хўжалик субъектларига 685 минг доллар миқдорида 50 фоизли мажбурий сотувни амалга ошириш юклатилди. 2 та хўжалик субъекти эса, экспорт қилинган товарлар эвазига 4,6 миллион доллар миқдоридаги валюта тушумининг муддатида келиб тушишини таъминламаганлиги учун 7 миллион сўм миқдорида жаримага тортилди.

Дарҳақиқат, экспорт бозори жаҳонда ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган бозор ҳисобланиб, жумладан, биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш доимий назоратда туради. Бу бозорнинг мижозлари амалдаги қонунчилик талаблари ижросини ўз вақтида таъминласалар, импорт шартларига қатъий риоя этсалар, табиийки, муваффақиятларга эришиб, дунёдаги ҳамкорлари янада кўпайишига пойдевор яратадилар.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Яхши хабарлар**

*Бўкалик тадбиркор Низомиддин Шарипов Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилидаги фаолиятини туман кичкинтойларига ажойиб туҳфа тортиқ этишдан бошлади.*

# «Баҳор»га марҳамат

Гап шундаки, тадбиркор қарийб 1,4 гектар бўш ётган майдонни тартибга келтириб, кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб борди. Натижада бу ерда болажонлар учун мўъжазгина истироҳат боғи барпо этилди. “Баҳор” номини олган ушбу боғ турфа кўнгилочар майдончалар ва бир йўла 100 нафар кичкинтойга хизмат кўрсатувчи аттракционлар билан жиҳозланди.

Эътиборли жиҳати, “Баҳор”да барча хизмат турлари бепул.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Сезиларли даражада ошди

***Душанба куни дунё биржаларида бўлиб ўтган савдолар чоғида нефть нархи сезиларли даражада ошгани қайд этилди.***



Хусусан, Лондондаги биржада "Brent" русумидаги "қора олтин"нинг бир баррели учун 101,1 АҚШ долларидан шартномалар имзоланган. Бу мазкур маҳсулот қийматида 2008 йилнинг сентябрь ойидан буён кузатилган энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Нью-Йоркда ташкил этилган савдоларда эса "WTI" типидаги нефтнинг бир баррели 92,19 АҚШ долларидан сотилган.

Экспертларнинг фикрича, жаҳон бозорида "қора олтин" баҳосининг бу тарзда ошишига баъзи минтақаларда юзага келган сиёсий вазиятнинг кескинлашуви сабаб бўлмоқда.

### Хитойда зилзила

***Хитойнинг жануби-ғарбий ҳудудида 4,8 балли зилзила содир бўлди.***

Бу ҳақда "Синьхуа" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Табиий офат мамлакатнинг Юньнань музофотида жиддий талафотларни келтириб чиқарган. Бу ерда саксон минг нафардан ортиқ одам тан жароҳати олган. Уч мингдан кўпроқ бинога зарар етган. Қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ.

### Фалокат ва зарар

***Буюк Британиянинг "BP" нефть ва газ компанияси 2010 йилни 4,914 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги зарар билан якунлаганини билдирди.***

2009 йилда у 14 миллиард АҚШ доллари миқдорида соф фойда кўрганди. Маълумки, ўтган йилнинг бошида Мексика кўрфазидаги "BP"га қарашли нефть қазиб олувчи "Deepwater Horizon" платформасида фалокат содир бўлганди. Оқибатда минглаб тонна "қора олтин" сувга қўшилиб кетди. Кўнгилсизлик келтириб чиқарган талафотларни бартараф этиш учун 40,9 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ талаб қилиниши билдирилганди. Айнан шу омил компания фаолиятининг орқага кетишига сабаб бўлди.

"BP" 1992 йилдан бери фақат фойда кўриб келаётганди.

### Поезд томидаги йўловчилар

***Ҳиндистонда темир йўл билан боғлиқ кўнгилсиз воқеа юз берди, дея хабар тарқатди маҳаллий "NDTV" телеканали.***



Гап шундаки, йўловчилар билан тўла поезднинг ҳатто томига ҳам одамлар чиқиб олишган эди. У мамлакатнинг Уттар-Прадеш штатидаги ер ости йўлидан ўтаётганда йўл торлик қилган. Кутилмаган ҳолатдан саросимага тушиб қолган томдаги йўловчилар ўзларини пастга ташлашга мажбур бўлишган. Улгура олмай қолганлар эса ҳалок бўлган. Жами 14 киши қурбон бўлгани, яна шунча одам тан жароҳати олгани айтилмоқда. Жабрланганлардан олти нафарининг аҳволи оғир.

### Муддатидан олдин сайлов

***Ирландияда муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказилиши маълум қилинди.***

Айнан шу мазмундаги ҳужжатга мамлакат президенти ҳамда бош вазири имзо чеккан. Унга кўра, жорий йилнинг 25 февраль куни сайлов бўлиб ўтади.

Ирландия жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан катта зарар кўрган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Унинг молия тизимини барқарорлаштириш учун ўтган йили Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта жамғармаси томонидан ажратилган 85 миллиард евро миқдоридаги кўмак ҳам кутилган самарани бермаган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ЎЗАРО ИШОНЧ – БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Мазкур соҳани ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатлар асосида уларга кўплаб имтиёзлар яратиб берилмоқда. Шу жумладан, Сирдарё вилояти тижорат банклари томонидан ҳам кредит, лизинг ва факторинг хизматларини кўрсатиш ҳисобига кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

Масалан, 2010 йил давомида кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 70,7 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Ажратилган кредитларнинг 17,1 млрд. сўмини микрокредитлар ташкил этиб, бу жами кредитларнинг 24,1 фоизини қамраб олади. Бунда барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг 19,7 миллиард сўми (27,9 фоизи) саноатга, 20,7 миллиард сўми (29,2 фоизи) қишлоқ хўжалигига, 13,8 миллиард сўми (19,5 фоизи) айланма маблағларни тўлдиришга, 10,1 миллиард сўми (14,3 фоизи) қурилиш ва маиший хизмат кўрсатишга ҳамда 6,4 миллиард сўми (9,1 фоизи) бошқа тармоқларга йўналтирилди.

Шуниси диққатга сазоворки, тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 69,2 миллиард сўмни ёки жами ажратилган кредитларнинг 97,8 фоизини ташкил этган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19,9 миллиард сўмга ўсган. Худди шунингдек, 2010 йилда кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига 10499 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2010 йил давомида тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга жами 5793,0 миллион сўм кредитлар ажратилган бўлиб, 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан ажратилган кредитлар 670,2 миллион сўмга кўпдир. Тадбиркор аёлларга ажратилган кредитларнинг 654,0 миллион сўми якка тартибдаги тадбиркорларга, 2138,4 миллион сўми, асосан, аёллар меҳнатидан фойдаланиладиган ва улар бошқарадиган кичик корхона ҳамда фирмаларга ажратилган бўлиб, бунда 2010 йил учун белгиланган режа 110,9 фоизга бажарилди.

Мисол учун, "Микрокредитбанк"нинг Боёвут бўлими томонидан "Ҳафизабону Наргиза" хусусий фирмасига аҳолига маиший хизмат кўрсатиш учун 22,5 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ажратилган кредит маблағи эвазига 5 та янги иш ўрни яратилди.

"Агробанк" Пахтаобод филиали томонидан Сардоба туманида фаолият кўрсатаётган "Қосим Мансур ҳамкорлиги" хусусий фирмасига тикув машиналари харид қилиш учун 30 миллион сўм кредит ажратилди. Ажратилган кредит ҳисобига бу ерда ҳам 5 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан, вилоят тижорат банклари томонидан ҳисобот даврида 1004 та ёш оилага ажратилган кредитлар миқдори 8 миллиард 351,0 миллион сўмни ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 октябрдаги "2009 — 2012 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий Дастури"ни тасдиқлаш бўйича ўтказилган йиғилиш баённомасига асосан, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ишга тушириш бўйича 2010 йилда Сирдарё вилояти тижорат банклари томонидан 37 та лойиҳага 13 миллиард 922,0 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Вилоятдаги тижорат банклари томонидан Президентимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, ишлаб чиқариш корхоналарига 9,0 миллиард сўмлик кредитлар ажратиш режалаштирилган бўлиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ушбу қарорнинг бажарилиши бўйича вилоят тижорат банклари томонидан 9 миллиард 944,0 миллион сўмлик кредитлар берилди.

Шунингдек, "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Янгиер шаҳар филиали томонидан Янгиер шаҳрида фаолият юритаётган "Анвар нон" масъулияти чекланган жамиятига нон ишлаб чиқариш цехини таъмирлаш учун 100 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди ва бунинг ҳисобига 15 та янги иш ўрни ташкил этилди. Корхонада аҳоли дастурхонига йилига 201,0 миллион сўмлик нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш режалаштирилган.

Сирдарё вилоятида яна бир катта лойиҳа амалга оширилди. Яъни "Агробанк"нинг Сирдарё тумани филиали томонидан "TEMUR MED FARM" МЧЖга дори-дармон ишлаб чиқариш фабрикасини қуриш ва ишга туширишга технологик асбоб-ускуналар харид қилиш учун жами

## Молия муассасаларида

6,1 млрд. сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан 4,9 млрд. сўми банк кредити ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар 4 миллиард 875,0 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Қурилиш ишлари ҳам босқичма-босқич олиб борилмоқда. Ажратилган кредит ҳисобига корхона томонидан 60 та иш ўрни яратилиб, йилига 9 хил турдаги 6 млн. 600 минг дона дори-дармон ишлаб чиқарилади. 2011 йилда корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, 12 млн. 540 минг дона дори-дармон маҳсулотлари тайёрланиб, қўшимча 20 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда.

"Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига асосан, ишлаб чиқариш корхоналарига технологик ускуналар сотиб олиш учун 8,0 миллиард сўмлик банк кредитлари ажратилиши белгиланган бўлиб, вилоят тижорат банклари томонидан 11 миллиард 163,7 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

"Агробанк"нинг Ширин шаҳар филиали томонидан "Шоҳруҳ Демирбек" масъулияти чекланган жамиятига полиэтилен қоп ишлаб чиқариш ускуналари ва хом ашё харид қилиш учун жами 50 миллион сўм кредит ажратилди. Корхонада йилига 292 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Вилоят саноатида янгилик бўлган, қурилиш материаллари ва терини қайта ишлашга ихтисослаштирилган "PENG-SHENG" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси 2009 йил 28 март куни вилоят Адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтиб, ҳозирги кунда Сирдарё туманида ўз фаолиятини бошлади. Корхонанинг умумий инвестиция миқдори 26,0 млн. АҚШ доллари, шу жумладан, 12,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига яратилди.

Корхонанинг йиллик қуввати 3 та йўналиш бўйича амалга ошириладилади. Шундан:

1) 4,0 млн. кв. метр керамик плита ишлаб чиқариш ;

2) 600,0 минг тонна терини қайта ишлаш;

3) 300,0 минг дона пойабзал ишлаб чиқариш.

Корхона тўлиқ ишга туширилгач, 500 та янги иш ўрни яратилади.

Қўшма корхонада ҳозирги кунда керамик плита ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, 13,0 млн. АҚШ доллари қийматида инвестиция ўзлаштирилган бўлиб, корхонада 350 та янги иш ўрни яратилган. Ҳозир пойабзал ишлаб чиқариш бўйича асбоб-ускуналар олиб келинган ҳамда монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Сирдарё минтақавий филиали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, 2010 йилда вилоятимизнинг 8 та туманида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича 275 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, 11 массивда қурилиш ишлари олиб борилди. Қурилиш қийматининг умумий нархи 18223,0 млн. сўмни ташкил қилиб, шу мақсадда филиалимиз томонидан 275 та фуқарога 10362,0 млн. сўм имтиёзли ипотека кредити ажратилди. Мазкур бунёдкорлик ишлари учун фуқаролар томонидан дастлабки бадал сифатида "Қурилишга сармоя" омонатига 5213,0 млн. сўм маблағлар қабул қилиниб, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг махсус ҳисоб рақамига маблағ ўтказиб берилди. Ундан ташқари, мижозлар томонидан 2010 йилда барпо қилинган уй-жойларга якуний ҳисоб-китоб учун 1392,0 млн. сўм миқдоридаги маблағлар тўлови амалга оширилди. Бугунги кунда буюртмачи томонидан тайёр уй-жойларни эгаларига топшириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган йилда пудратчилар томонидан 15547,0 млн. сўм миқдорида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 сентябрдаги "Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Сирдарё вилоятида 8 та қишлоқ туманининг 10 та массивида 310 та янги тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Халқаро андоза талабларига мос равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кичик бизнес субъектларига ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқариш технологиялари сув ва ҳаводек зарур. Лекин ишлаб чиқаришни юксак талабларга мос равишда йўлга қўйиш истагида бўлган кичик бизнес субъектларининг барчаси ҳам ўз маблағлари ҳисобидан бу ишни амалга ошира олмайди. Бунда кичик бизнес субъектларининг яхши инвестициявий лойиҳалари хорижий кредит линиялари ва банклар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Хусусан, вилоят тижорат банкларида очилган хорижий кредит линиялари ҳисобидан 2010 йил давомида кичик бизнес субъектларининг 8 та инвестициявий лойиҳаси жами 3 миллион 639,2 минг АҚШ долларига молиялаштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 миллион 368,0 минг АҚШ долларига ўсган.

Мисол учун, "Саноатқурилишбанк"нинг вилоят филиали томонидан Гулистон туманидаги "Соҳил уммон барака" корхонасига қум ва тош қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаси бўйича Ислом тараққиёт банки кредит линиясидан 5 йил муддатга 399,4 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Ажратилган кредит ҳисобига 16 та янги иш ўрни ташкил этилди. Корхонада йилига 215,0 млн. сўмлик қум ва тош қазиб олиш ишларини бажариш режалаштирилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва ўзлаштириш масалалари барча тижорат банклари учун устувор йўналишлардан бири бўлиб қолаверади.

**Қ. ДАВЛЯТОВ,**
**Марказий банк Сирдарё вилояти бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.** t

# НОЁБ ҚУШЛАР МАКОНИ

***Сайёрамизнинг барқарор ривожланишида сув-ботқоқ ҳудудларининг алоҳида ўрни бор. Негаки, бу жойлар нафақат ноёб қушларнинг яшаши, балки кўплаб фойдали ўсимликлар ўсиши учун қулай табиий шароитга эга. Шу боис жаҳон ҳамжамияти томонидан бундай майдонларни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатини яхшилаш ва улардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

## Сана

Бунда 1971 йил 2 февралда қабул қилинган "Асосан сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойи сифатида халқаро аҳамиятга молик сув-ботқоқ майдонлари тўғрисида"ги конвенция муҳим омил бўлмоқда.

Эроннинг Рамсар шаҳрида имзоланган мазкур халқаро ҳужжатга дунёнинг 160 мамлакати, жумладан, 2001 йилда Ўзбекистон ҳам аъзо бўлган. Бу мамлакатларда 2 февраль санаси "Бутунжаҳон сув-ботқоқ ҳудудлари куни" сифатида кенг нишонланади.

Жорий йилда конвенция қабул қилинганига 40 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Экологик ҳаракати давра суҳбати ўтказди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда Халқаро Қизил Яримой жамиятининг мамлакатимиздаги вакиллари, шунингдек, қатор илмий текшириш институтлари мутахассислари ва экологлар иштирок этди.

Таъкидландики, конвенцияга аъзо бўлишнинг асосий шартларидан бири мамлакат ҳудудида сув-ботқоқ жойларнинг мавжудлиги ва уларнинг халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида муҳофаза этилишидир. Шу маънода, Ўзбекистонда бундай ҳудудлар майдони анча кенг. Юртимизда 500 га яқин кўлларнинг мавжудлиги, уларда барқарор экологик ҳолат таъминланганлиги бунинг исботидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазасига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тобора бойиб бораяпти. Маълумотларга қараганда, юртимизда қушларнинг 463 турини учратиш мумкин. Эътиборлиси, уларнинг Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган 37 тури сув-ботқоқ ҳудудларида яшайди. Жингалак ва пушти сақоқуш, қорабузов, кичик оққўтон, вишилдоқ оққуш, олақанот шулар жумласидан бўлиб, бу турлар нафақат республикамиз ҳудудидан учиб ўтади, балки шу ерда қишлаб қолади. Шунинг учун ҳам орнитологлар ўлкамизни "Ноёб қушлар макони" деб таърифлашади.

Соҳада эришилаётган шу каби ютуқлар инобатга олиниб, 2001 йили Бухоро вилоятида жойлашган Денгизкўл халқаро аҳамиятга молик сув-ботқоқ ҳудудлари рўйхатига киритилган эди. Орадан кўп ўтмай, яъни 2008 йилда конвенция котибияти томонидан Айдар-Арнасой кўллари тизимига ҳам шундай мақом берилди.

Анжуманда соҳада олиб борилаётган ишлар, хусусан, минтақамиз орнитофаунасини асраб-авайлаш, сув ҳавзалари ва кўллар тизими биоресурсларини муҳофаза қилишнинг истиқболлари ҳақида маърузалар тингланди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**










«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти жамоаси Ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш лабораторияси мудири

**Ҳайдарали АСҚАРАЛИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

